

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ таълимни ислоҳ қилиш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналари, урф-одатлари ҳамда умубашарий қадриятларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилди. Бу жиҳатдан таълим-тарбиянинг янги даврга ва замонга мос ва хос шакл ва воситалари ишлаб чиқилди, амалиётга жорий этилди. Айниқса, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш кабиларнинг бирлиги, ўзаро ҳамкорлиги натижасида қишлоқ ёшларининг маънавиятни шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Бу борада қишлоқдаги умумий ўрта таълим мактаби битирувчиларининг ижтимоий етуқлигини шакллантириш, уларни миллий ва умубашарий қадриятлар асосида тарбиялаш, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқарони вояга етказиш масаласи асосий ўринни эгаллади.

Давлат сиёсатида устивор йўналишларидан бири бу қишлоқ мактаблари битирувчиларининг ижтимоий етуқлигини юксалтиришга, иккинчидан таълимнинг янги моделини, унинг мазмунини такомиллаштиришга, учинчидан, жамиятда мустақил фикрловчи етук фуқарони шакллантиришнинг назарий ва амалий йўналишлари муҳим ўрин тутди.

Ёшларимизга бўлган муносабат келажагимизга бўлган муносабатдир. 2008 йил “Ёшлар йили”, 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши қишлоқ ёшларининг турмуш тарзини шаҳарликлардан кам бўлмаслиги ва қишлоқда ҳам замонавий шароитлар яратилиши йўлида қўйилган катта қадам бўлди.

2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди ва малакатимиз ёшларининг жисмонан соғлом, зиёли, маданиятли ва XXI асрга мос кадрлар қилиб тарбилаш давлат сиёсатида устивор вазифа қилиб белгиланди. Энг аввало баркамоллик сўзининг маъносини тушуниб, англаб олиш керак. Давлат дастурида бу соғлом, баркамол авлод, ижодий ва интеллектуал салоҳият, ҳар томонлама ривожланган шахс, ҳуқуқий саводхон, соғлом она – соғлом бола каби муҳим маънолар келтирилган. Тарихан ота-боболаримиз ёшларга камол топгин деб дуо қилишган. Комилликка эришиш-бу-мураккаб жараён. Илм ва маърифат орқалигина бунга эришиш мумкин. Имом Бухорий, ат -Термизий, ал-Фарғоний каби буюк алломаларни комиллик даражасига эришган шахслар деб айтиш мумкин.

Бугунги кунда ёшлардаги миллий руҳият, инсоний фазилатлар, маънавият, жамиятни маънавий юксалтиришдаги иштироки албатта, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун асос бўлади. Баркамол ёшлар тарбияси тарихий аҳамиятга эга. Улуғ мутафакирларимизнинг илм-маърифат, таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрларидан фойдаланиш бугунги тараққиёт учун, ёш авлодни камолоти учун муҳим эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Шу боис ҳам Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби улуғ мутафакирларнинг комил инсон тарбияси ҳақидаги қарашларидан турмушда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Буюк сиймолар меросидан таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳамда ўқувчи ёшларнинг ижтимоий етуқлигини шакллантириш, комил инсонни вояга етказиш каби масалаларга қаратиш ижобий натижалар беради..

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, буюк алломаларимиз янгитдан дунёга келдилар, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бошчилигида ўтмишда яшаб ижод қилган, ўз даврида бутун дунёга танилган, аммо собиқ шўролар даврида ўз зулмини ўтказиб, ўзбек халқининг тарихини йукотишга интилганлар таъсирида тарих саҳифаларидан ўчиб кетган улуғ аجدодларимиз қайтадан тикландилар. Улар туғилиб ўсган ва ижод қилган муқаддас жойлар обод бўлиб, алломаларимиз рухлари шод бўлмоқда.

Ҳақиқий тарихимиз тикланиб ёшларимиз онгига миллий истиқлол руҳи мукамал сингдирилмоқда. Кейинги 19 йил мобайнида И.Каримов бошчилигида мамлакатимиз эришган ютуқларни дунё ахли тан олмақда. Бу буюк бунёдкорликка эришиш осонликча бўлмаганлиги барчага аён. Барча ислохотларнинг босқичма-босқич фақат инсон манфаатлари учун бўлаётганига асло шубҳа йўқ.

Ҳаётда ҳар бир инсон ўз қадриятлари билан яшайди. Мавжуд қадриятлар эса унинг кимлигини белгилайди. Агарда фан нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, одамларни шартли равишда бешта тоифага бўлиш мумкин.

- 1- тоифадагилар фақат оила муаммолари билан;
- 2 – тоифа- оила, маҳалла, туман, шаҳар муаммолари билан;
- 3 - тоифадагилар янада кенгроқ вилоят муаммолари билан;
- 4- тоифадагилар мамлакат муаммолари билан;
- 5- тоифадагилар дунёдаги муаммолар билан қизиқади, ўйлайди ва яшайди.

Фуқароларимиз ичида дунёқараши кенг бўлган инсонлар кўп. Улар нафакат ўзлари ҳақида, балки бошқа инсонлар ҳақида ҳам қайғурадилар. Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг “Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами” сўзлари айнан баркамол инсонларга қаратилган. Бизнинг олий мақсадимиз “Озод, обод Ватан ва фаровон турмуш”га эришишдир. Бу буюк йўлдан биз бормоқдамиз ва халқимиз кундан-кунга фаровонликка эришмоқда.

Ҳар бир инсон ўз ҳаётида ижтимоий фаол бўлишликка интилиши керак. Бунинг учун, энг аввало, ўз шахсий қадриятларини шакллантиришга эришиши, оилавий турмушга тайёр бўлиши, илм олишга интилиши, ҳаёти учун зарур бўладиган меҳнат малакаларига эга бўлиши, маданий ҳордиқ чиқара олиши ва, албатта, Ватан олдидаги бурчини бажара олишга тайёр бўлиши лозим.

Инсоннинг инсоний фазилатлари, энг аввало, наслдан ўтади. Бу фазилатлар инсон яшаётган муҳитда мустаҳкамланади ва тарбия орқали бошқарилади. Бу марақаб жараён иштирокчиси бўлмиш одам боласи оилада, ўқув юртларида ва ижтимоий ҳаётда синовдан ўтади. Ҳаёт бизлар ўйлаганчалик оддий эмас. Бола дунёга келгач, барча болалар каби бир хил шакл ва мазмун эгаси бўлади. Кейинги ҳаёт уни ё яхши йўлга, ё ёмон йўлга олиб кириб кетади.

Мамлакатимизда барча фуқаролар учун бир хилда Конституциявий ҳуқуқ ва бурч белгиланган. Буни ҳамма ҳам бир хил англамаслиги оқибатида кимдир насл қурбони, кимдир муҳит қурбони кимдир тарбия қурбонига айланади ва оқибатда айрим инсонлар ҳаётдаги жиддий тўсиқларга учрайди.

2010 йилда амалга ошириладиган муҳим ишлардан бири ёшларни ҳаётга тайёрлаш ва уларнинг тарбиясидир. Бунда кенг жамоатчилик, айниқса ўқув муассасалари, сиёсий партияларнинг “Ёшлар қаноти”, “Аёллар қаноти” “Камолот” ЁИҲ, Маҳалла ва Қишлоқ фуқаролар йиғинлари каби ташкилотлар ўта жонбозлик кўрсатишлари керак. Ёшларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи чуқурроқ ўрганилса, уларда маълум даражада ижтимоий-иқтисодий соҳаларда муаммолар мавжудлиги сезилади. Кейинги пайтларда учраётган оилалардаги, маҳаллалардаги, ўқув муассасаларидаги носоғлом муҳит, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги нопедагогик муносабатлар, масъулиятсизликлар, ёшлар тақдирига бефарқлик оқибатида ҳар хил диний оқимларга кириб кетишлар ёшлар ҳаётига таҳдид солмоқда. Бу салбий ҳолат ҳар бир соғлом фикрловчи инсонларни чуқур ўйлантириши лозим.

Ҳар қандай муаммонинг келиб чиқиш сабаблари олдиндан батафсил ўрганилса, унинг ечими осон бўлади. Кўпинча бизлар муаммо вужудга келганидан сўнггина фаолиятимизни кучайтирамиз. Бу ўз – ўзидан тескари самара беради. Мақсадимиз ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш экан, бунда бола туғилган кундан то у ҳақиқий ҳаётга киргунча унинг шаклланиши доимий жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлашимиз керак. Катталарнинг шахсий намунаси эса бунда муҳим рол ўйнайди.

Биз ўз тарихи билан фахрланадиган инсонларни тарбиялашимиз ва шакллантиришимиз, бунда миллий ғурур ва миллий кадриятларимизга таянишимиз ва ундан унумли фойдаланишимиз зарур.

И.А.Каримов нутқларида ёшларимизга мустақиллик қанчалар буюк неъмат эканлигини тушунтиришни тинмай давом эттиришликни ва ҳар бир фуқарони мамлакат келажаги учун жавобгарликни англашига ёрдам беришликни, айниқса, олимлар, зиёлилар ва сиёсатшунослар олдида бу соҳада амалга оширилиши керак бўладиган амалий ишларнинг механизмлари ва технологияларини ишлаб чиқиш зарурлиги аниқ кўрсатиб берилган.

Минг афсуски, ҳали одамларимиз ичида дунёқараши ва сиёсий саводхонлиги замон талабларига жавоб бера олмайдиган ҳар хил тоифадаги фуқароларнинг борлиги ачинарли ҳолат.. Бу салбий ҳолат 2010 йилда таълим –тарбия, айниқса, мафкуравий ишлар соҳасида фаолият кўрсатаётган барча ташкилотлар асосий эътиборни ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини оширишга, ҳозирги ўтиш даврида иқтисодий соҳани инсон учун ҳаётий зарурий устувор масала эканлигига қаратишлари мақсадга мувофиқ бўлади.